

12-МАВЗУ :

САНОАТ, ТРАНСПОРТ, АЛОҚА, МУДОФАА ВА БОШҚА МАҚСАДЛАР УЧУН МҮЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ (8 соат)

РЕЖА:

- 1. Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадлар учун мүлжалланган ерлар тушунчаси.**
- 2. Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мүлжалланган ерлар ҳуқуқий ҳолатининг умумий хусусиятлари;**
- 3. Саноат мақсадларига мүлжалланган ерларниң ҳуқуқий ҳолати;**
- 4. Транспорт мақсадларига мүлжалланган ерларниң ҳуқуқий ҳолати;**
- 5. Алоқа ва мудофаа эхтиёжларига мүлжалланган ерларниң ҳуқуқий ҳолати.**

**12-МАВЗУ. 3-МАЪРУЗА :
ТРАНСПОРТ МАҚСАДЛАРИГА
МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ
ҲОЛАТИ**

РЕЖА:

- 1. Транспорт мақсадлари учун мўлжалланган ерларнинг ҳуқуқий ҳолати.**
- 2. Транспорт мақсадлари учун мўлжалланган ерларнинг ҳуқуқий ҳолатидаги хусусиятлар.**

ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН АДАБИЁТЛАР:

Асосий адабиётлар:

1. Ben McFarlane,Nicholas Hopkins. Land Law: Text, Cases, and Materials. OUP Oxford, 2012
2. М.Ҳ. Рустамбоев ва бошқ. Ер хуқуқи. – Т.: Тошкент давлат юридик институти, 2002. – 237 б.
3. А.Нигматов. Ер хуқуқи. – Тошкент.: “Ислом Университети”, 2001. – 191б.
4. А.Нигматов. Земельное право. – Тошкент.: “Ислом Университети”, 2001. – 189 б.
5. Mirzaabdullaeva M.R.,Muqitov A.,Xafizova Z.X.Yer huquqi. O’quv qo’llanma. - Т.:TIMI, 2016, – 202 b.

Кўшимча адабиётлар:

6. Земельное право: Учебник / С.А. Боголюбов, Э.А. Галиновская; Под ред. С.А. Боголюбова – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004.-400 стр.
7. Земельное право Республики Узбекистан: Учебник. Под. Ред. М.Х.Рустамбека. – Т.: ТГЮИ, 2007. -214 стр.
8. Ерофеев Б.В. Земельное право: Учебник. –М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2005. -348 стр.
9. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси. –Т.: Адолат, 1998
10. Транспорт мақсадлари учун мўлжаллангн ерлар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи маҳсус қонунлар ва қонун ости хужжатлари.

Интернет ва Зиёнет сайtlари:

1. [http:// www.Lex.uz](http://www.Lex.uz)
2. <http://zakon.rin.ru>

МАЪРУЗА МАШГУЛОТИНИ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ МОДЕЛИ

<i>Талабалар сони 96</i>	12-Мавзу, 4-маъруза 2 соат
<i>Ўқув машгулотининг шакли</i>	Маъруза-ахборот
<i>Машгулотнинг режаси:</i>	<ol style="list-style-type: none"> Транспорт мақсадлари учун мўлжалланган ерлар хуқуқий ҳолати; Транспорт мақсадлари учун мўлжалланган ерлар хуқуқий ҳолатидаги хусусиятлар.
<i>Машгулотнинг мақсади:</i> Транспорт мақсадлари учун мўлжалланган ерлар хуқуқий ҳолати тўғрисида тассавурни шакллантириши.	
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
<ol style="list-style-type: none"> Транспорт мақсадлари учун мўлжалланган ерлар хуқуқий ҳолати тўғрисида тушунча беради; Транспорт мақсадлари учун мўлжалланган ерлар хуқуқий ҳолатидаги хусусиятлар тўғрисида тушунча беради. 	<ol style="list-style-type: none"> . Транспорт мақсадлари учун мўлжалланган ерлар хуқуқий ҳолати тўғрисида тассавур шаклланади Транспорт мақсадлари учун мўлжалланган ерлар хуқуқий ҳолатидаги хусусиятлар тўғрисида тассавур шаклланади.
<i>Ўқитиии услуги ва техникаси</i>	Визуал маъруза, намойиш, ақлий хужум,
<i>Ўқитиии воситалари</i>	Доска, слайдлар.
<i>Ўқитиии шакли</i>	жамоавий
<i>Ўқитиии шарт- шароити</i>	Проектор, компьютер билан жиҳозланган аудитория
<i>Мониторинг баҳолаш</i>	Блиц сўров

Маъruzанинг технологик ҳаритаси

Иш боскичлари	Фаолият турлари	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1 боскич Ўкув машғулотига кириш 20 дақиқа	Мавзу номи, мақсади, кутилаётган натижаларни, фойдаланиш мажбуриятлари етказилади. Машғулот маъруза-ахборот шаклида олиб борилиши маълум қилинади	Тинглайдилар ва ёзib оладилар
2 боскич Асосий қисм 50 дақиқа	<p>2.1.Мавзу режаси асосий тушунчалар билан танишиб чиқиши таклиф этилади.</p> <p>2.2. Маъруза слайдлар Power Point тартибида намойиш этилади, хар бир слайд шарҳланади (диаграммалар, жадваллар)</p> <p>Мавзуга жалб қилувчи саволлар берилади.</p> <p>2..3.Мавзу режалари бўйича хуносалар қилинади. Керакли маълумотларни дафтарда қайд этишлари кераклиги ёдга солинади.</p> <p>3. Мавзуни ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш мақсадида тезкор сўров ўтказилади. (1-илова)</p>	<p>Ўқийдилар</p> <p>Тинглайдилар, асосий маълумотларни дафтарга ёзib оладилар, саволлар берадилар</p> <p>Талабалар жавоб берадилар</p>
3 боскич Якуний боскич 10 дақиқа	<p>3.1. Мавзу бўйича умумий хуноса қиласи. Мавзунинг касбий фаолиятидаги аҳамияти ва ўрнига талабалар эътиборини қаратади.</p> <p>3.2. Мустақил иш учун топширик берилади. (2-илова)</p>	<p>Тинглайдилар</p> <p>Топширикни ёзib оладилар</p>

Ўтилган мавзуни такрорлаш бўйича саволлар:

1. Саноат мақсадлари учун мўлжалланган ерлардан фойдаланишга нечта талаб ва қоида белгиланган?
2. Саноат ва кон саноати мақсадлари учун мўлжалланган ерларни ажратиш тартибида қандай хусусиятлар мавжуд?



ТРАНСПОРТ МАҚСАДЛАРИ УЧУН МҮЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ МАХСУС ҚОНУНЛАР

“МАҲСУЛОТ
ТАҚСИМОТИГА
ОИД БИТИМЛАР
ТҮҒРИСИДА”

2001 йил 7
декабрь

“АВТОМОБИЛЬ
ЙҮЛЛАРИ
ТҮҒРИСИДА”

2007 йил 2 октябрь

“ҲАВО
КОДЕКСИ”

1993 йил 7 май


“Темир йүл
транспорти
түғрисида”

2019 йил 9
сентябрь

ТРАНСПОРТ МАҚСАДЛАРИ УЧУН МҮЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҚОНУНОСТИ ҲУЖЖАТЛАРИ

5647-сонли ПФ

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 15 мартағи
202-сон қарори




Транспорт максадларига мүлжалланган ерлар

ЕК 69-
модда

Транспорт максадларига мүлжалланган ерлар жумласига төмир йўл, ички сув транспорти, автомобиль, хаво ва трубопровод транспорти корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига транспорт иншоотлари, курилмалари ва бошка объектларидан фойдаланиш, саклаш, куриш, реконструкция килиш, таъмирлаш, такомиллаштириш ва ривожлантириш соҳасида улар зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун доимий фойдаланишга берилган ерлар киради.

Транспорт мақсадлари учун мұлжалланған ерлар



ТРАНСПОРТ МАҚСАДЛАРИГА МҮЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАРИНИНГ ХУҚУКИЙ ҲОЛАТИ

Ер кодекси

Транспорт мақсадлариға мүлжалланган ерларниң асосий қисмини транспортнинг нормал фаолиятини таъминлаш зарурияти учун ажратилған [ер участкалари](#) ташкил этади. Бундан ташқари, транспорт ерларниң таркибиға транспорт ерларининг ўзи, юк ташиш, пассажирлар ташиш ва бошқа хизмат учун ажратилған ерлар киради. Транспорт мақсадлари учун ажратилған ерлардан фойдаланиш ҳуқуқининг **субъект**лари бўлиб, транспорт воситалари ва эксплуатация қилувчи алоқа йўлларига эга бўлган тегишли ташкилотлар хисобланади

СУБЪЕКТЛАР

Темир йўл транспортида

темир йўл бўлимлари

хаво транспортида

аэропортлар

денгиз транспортида

денгиз портлари, кемалар ясовчи ва
ремонт қилувчи заводлар

трубопровод транспортида

магистрал трубопроводлардан
фойдаланиш бошқармалари

ички сув транспортида

дарё портлари

автомобил транспортида

йўл эксплуатация участкалари

ТРАНСПОРТ МАҚСАДЛАРИГА МҮЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАРИНИНГ ХУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

Ер кодекси

Транспорт учун ажратилған ер участкаларининг кўп қисми транспортнинг хўжалик эҳтиёжлари учун хизмат қилади (масалан, автомобил йўллари ва темир йўллари ва темир йўлларини ётқизиш учун кетадиган материалларни сақлаш эҳтиёжларига мўлжалланган ер участкалари, йўлларни ремонт қилиш зарурати учун тупроқ ва тош олинадиган ер участкалари). Шунингдек, темир йўл транспорти ерларига темир йўлни идора этувчи органлар томонидан бошқарадиган ерлар, темир йўл транспорти хизмати учун алоҳида мўлжалланган ерлар ҳам киради. Темир йўл транспортида темир йўл излари ўрнатилған ерлардан бошқа унинг икки томонларидан муҳофаза қилувчи зоналар ҳам қолдирилади. Темир йўл полосларига қуийдагилар киради: йўл бинолари, алоқа қурилмалари станциялари (бутун қурилмалари билан), ҳимояловчи дарахтзорлар.

ТРАНСПОРТ МАҚСАДЛАРИГА МҮЛЖАЛАНГАН ЕРЛАРИНИНГ ХУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

Ер кодекси

Автомобил транспорти ерлариға тегишли органларга берилған ва уларнинг назоратига топширилған полослар ва шу ерларга құшилдадиган участкалар, автомобил транспорти хизматига алоҳида аҳамиятга эга бўлган ерлар киради. Автомобил транспорти ерлариға тегишли органларига берилған ва уларнинг назоратига топширилған полосалар ва шу ерларга құшилған участкалар, автомобил транспорти хизматига алоҳида аҳамиятга эга бўлган ерлар киради.



ДЕНГИЗ ТРАНСПОРТИ МАҚСАДЛАРИГА МҮЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

Ер кодекси

Ер қонунчилиги нормалариға биноан денгиз транспорти ерларини денгиз транспорти хизмати әхтиёжлари учун шу сохани идора этувчи орган ихтиёрига берилган ҳудудлар: денгиз портлари, маяклар ва бошқа махсус қурилмалар ташкил этади. Дарё транспорти ерларига дарё транспорти сохасини идора этувчи органлар томонидан бошқариладиган дарё транспорти әхтиёжларига хизмат қиладиган дарё портлари, пристанлар ва бошқа қурилмалар киради.

ХАВО ТРАНСПОРТИ МАҚСАДЛАРИГА МҮЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

Ер кодекси

Хаво транспорти ерларига хаво йўллари органлари назоратига берилган, хаво транспорти эҳтиёжлари учун хизмат қиладиган маҳсус қурилмалар билан банд бўлган ер участкалари, аэропорт ва аэродром ҳудудлари киради.

аэродром

аэропорт

Хаво кодексида белгиланишича (26-модда) Қуруқлиқдаги ёки сув сатҳидаги махсус жиҳозланган, ҳаво кемаларининг келиб қўниши, жўнаши ва шу сатҳ бўйлаб ҳаракатланиши учун тўлиқ ёки қисман мўлжалланган участка унда жойлашган бинолар, иншоотлар ҳамда анжомлари билан бирга аэродром деб эътироф этилади.

аэропорт ҳаво кемаларини қабул қилиш ва жўнатишга, ҳаво транспортида ташишга хизмат кўрсатишга мўлжалланган ва шу мақсадларда аэродром, аэровокзал, бошқа иншоотлар, шунингдек зарур қурилмаларга эга бўлган иншоотлар мажмуасидир.

1-илова

Блиц саволлар

- 1. Транспорт мақсадлариға мүлжалланган ерлар қаерларда жойлаштирилади?**
- 2. Транспорт мақсадлариға мүлжалланган ерларнинг субъектлари кимлар ва объектларини нималар ташкил этади?**
- 3. Транспорт мақсадлариға мүлжалланган ерлар атрофика муҳофаза зоналари қандай ташкил этилади?**

12-МАВЗУНИ ЎЗЛАШТИРИШ УЧУН ТОПШИРИҚ:

1. “Ер ҳуқуқи” фани бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалардан “Транспорт мақсадлари учун мўлжалланган ерлар ҳуқуқий ҳолати” мавзусини мустақил ўқиб чиқиш ва ўзлаштириш.
2. Транспорт мақсадлари учун мўлжалланган ерларда юзага келадиган ерга оид муносабатларни тартибга солувчи маҳсус ахамиятдаги қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари билан танишиш.